



**PROBLEMS OF ENSURING THE RIGHTS, FREEDOMS,
AND LEGAL INTERESTS OF THE SUSPECTED AND THE
ACCUSED DURING PRESIDUM PROCEEDINGS**

Amanov Azamat Akmal ugli

Independent Researcher of Academy of the Ministry
of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

E-mail: azamat.amonov.92@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17816113>

ARTICLE INFO

Received: 25th November 2025

Accepted: 29th November 2025

Online: 30th November 2025

KEYWORDS

*Suspect, accused, defendant,
defendant, catch, detain,
defense lawyer, inquirer,
investigator, prosecutor.*

ABSTRACT

The article analyzes the problems of ensuring the rights, freedoms, and legitimate interests of the suspect and the accused by the investigator, inquiry officer in pre-trial proceedings in accordance with the criminal procedure legislation of the Republic of Uzbekistan, using practical examples. At the same time, substantiated proposals have been developed for making appropriate amendments to the legislation.

**ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ, СВОБОД И ЗАКОННЫХ
ИНТЕРЕСОВ ПОДОЗРЕВАЕМОГО И ОБВИНЯЕМОГО ПРИ
ДОСУДЕБНОМ ПРОИЗВОДСТВЕ**

Аманов Азамат Акмал угли

Министерство внутренних дел Республики Узбекистан

Независимый студент Академии

E-mail: azamat.amonov.92@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17816113>

ARTICLE INFO

Received: 25th November 2025

Accepted: 29th November 2025

Online: 30th November 2025

KEYWORDS

*Подозреваемый, обвиняемый,
подзащитный, подсудимый,
поймать, задержать,
адвокат защиты,
дознатель, следователь,
прокурор.*

ABSTRACT

В статье на практических примерах анализируются проблемы обеспечения следователем, дознавателем прав, свобод и законных интересов подозреваемого и обвиняемого в досудебном производстве в соответствии с уголовно-процессуальным законодательством Республики Узбекистан. Вместе с тем разработаны обоснованные предложения по внесению соответствующих изменений в законодательство.

**ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА
АЙБЛАНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА
ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ МУАММОЛАР**

Аманов Азамат Акмал ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Академияси мустақил изланувчиси

E-mail: azamat.amonov.92@mail.ru



ARTICLE INFO

Received: 25th November 2025
Accepted: 29th November 2025
Online: 30th November 2025

KEYWORDS

Гумон қилинувчи,
айбланувчи, судланувчи,
ушлаш, ушлаб туриш,
ҳимоячи, суриштирувчи,
терговчи, прокурор.

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига биноан ишни судга қадар юритишда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини терговчи, суриштирувчи томонидан таъминлашдаги муаммолар амалий мисоллар билан таҳлил қилинган. Шу билан бирга қонунчиликка тегишли ўзгартириш киритиш юзасидан асосли таклифлар ишлаб чиқилган.

Шахс ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган бўлса ёхуд ишда уни жиноят содир этишда гумон қилишга асос берувчи маълумотлар мавжуд бўлса, у жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинади.

Шахсни гумон қилинувчи сифатида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради. Ана шу қарор чиқарилган вақтдан бошлаб гумон қилинувчи шахс жиноят процессуал ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади ва муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади[1].

Шахснинг эркинлик ва шахсий даҳлсизлик ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари бўйича кўплаб универсал ва ҳудудий халқаро ҳужжатларда мустақамлаб қўйилган. Агарда мазкур ҳуқуқни давлат томонидан чеклаш зарурати юзага келса, уни қонунчиликда ўрнатилган тартибга қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириш талаб этилади. Шунингдек, бу турдаги чекловлар суриштирув ёки дастлабки терговдан мустақил, холис томон - суднинг назорати остида бўлиши лозим. Бунда шуни унутмаслик керакки, озодликдан маҳрум қилиш шахснинг нафақат шахсий эркинлик, балки эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига ҳам даҳл қилади. Шунинг учун шахсни ушлаш ва қамоққа олишни амалга ошириш ваколатларини ҳуқуқий нормалар ёрдамида қатъий тартибга солиш ҳамда халқаро стандартларга муофиқлаштириш давр талаби бўлиб қолмоқда. Шахсни ушлашни амалга ошириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи шахсларнинг ихтиёридаги ваколат бўлиб, улар аниқ белгиланган ҳолатларда шахсни эркин ҳаракатланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишади. Ходимлар ўз хатти-ҳаракатларини фаолиятларида риоя қилиши лозим бўлган умуммажбурий принципларга таянган ҳолда амалга оширишлари лозим.

Келинг энди гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини уларнинг зиммасига юклатиш ва ижро этиш муаммолари ҳақида муаллифлик нуқтаи назаридан кўриб чиқсак.

Биринчидан, бир вақтни ўзида ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖПКда қайд этилган гумонланувчининг ҳуқуқлари:



- *кўрсатувларни бериш, ёки беришдан бош тортиш, сукут сақлаш ҳуқуқи*; мазкур ҳуқуқ, шахсда унга нисбатан мавжуд бўлган гумонлар бўйича кўрсатувларни ва тушунтиришларни бериш, яъни, чиқарилган ҳужжатда унга нисбатан (ЖИҚ ҳақидаги қарор, гумон ҳақидаги хабарнома, ва ҳок.) арз қилинаётган гумонлар ҳақида изоҳларни билдириш имкониятида ифодаланади. Бу ҳуқуқ тушунтириш ва кўрсатувларни беришдан бутунлай бош тортиш имконияти билан сезиларли даражада амалга ошади.

Бунда ушбу ҳуқуқ нафақат жиноий-процессуал меъёрларга асосланади балки – Конституциянинг 28-моддасида қайд этилиб, у ерда, ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги белгиланган. Аммо, “гумон қилинувчининг кўрсатувларни беришга розилиги бўлса, унинг кўрсатувлари, шу жумладан ушбу кўрсатувлардан воз кечганида ҳам, жиноий иш бўйича далиллар сифатида қўлланилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилиши шарт»[2]. Асосий тарзда, кўрсатув бериш ҳуқуқи ЖПК 48-модда 1-қисмида акс эттирилиб, унда конституцион мавқе процессуал мустаҳкамланган. Бундан ташқари таъқидлаш лозимки, жиноий иш бўйича судга қадар иш юритувда ҳимоячини йўқлигида, шу жумладан ҳимоячидан воз кечган ҳолатда, берилган ва судда улар томонидан тасдиқланмаган кўрсатувлар, ЖПК 95¹-модда 1-қисми 3-бандиган асосан, номақбул далил деб ҳисобланади[3]. Тушунтиришлар ва кўрсатувларни бериш ҳуқуқи доирасида гумон қилинувчининг яна битта ҳуқуқи назарда тутилади, яъни, *тушунтиришлар ва кўрсатувларни она тилида, ёки у мукаммал биладиган тилда бериш, бунда таржимон ёрдамидан беғул фойдаланиш* (ЖПК 48-модда 1-қисми ва бошқ.). Ушбу ҳуқуқ, “ҳар бир фуқаро она тилидан фойдаланиш, мулоқот, тарбия, таълим ва ижод тилини эркин танлаш ҳуқуқига эга” мазмундаги Конституциянинг 29-модда 3-қисмида келтирилган қоидага асосланган ҳолда амалга оширилади.

- *ҳимояга бўлган ҳуқуқ*: бир томондан, ушбу ҳуқуқнинг манбалари- “Ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга” деб баён этган Конституциянинг 31-модда 1-қисми, ҳамда “Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли” деб эътироф этган Конституциянинг 55-модда 1-қисми, иккинчи томондан эса ЖПК 18-моддасида процессуал тамойил сифатида ва ЖПК 48-модда 1-қисмида бевосита “ҳимояга бўлган ҳуқуқ” қайд этилган. Ушбу ҳуқуқни амалга оширилиши, гумонланувчининг *гумон қилиш учун барча асосларни вужудга келиши пайтидан бошлаб ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиш*, ҳамда *гумонланувчини дастлабки сўроқ қилинишидан аввал уни ҳимоячи билан яккама-якка ҳоли учрашиш* имкониятини назарда тутди. Бироқ, айнан қайси пайтдан бошлаб бундай учрашувга бўлган ҳуқуқ пайдо бўлиши, тушунарсиз. Масалан, жиноий ишни қўзғатилиши каби асосга нисбатан ушбу ҳуқуқ жиноий ишни қўзғатиш пайтидан пайдо бўлиши лозим.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 19.12.2003 йил кунги 17-сонли қарорига алоҳида эътиборни қаратиш лозим, унда, шахс ЖПК 221-моддасида кўрсатилган асосларга кўра ушланган ҳолларда, гарчи қонунда бу



ҳақда тегишли баённома шахс ички ишлар органи ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилгандан сўнг расмийлаштирилиши белгиланган бўлса-да, унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб гумон қилинувчи деб ҳисобланади. Айнан шу пайтдан бошлаб ушлаб турилган шахс гумон қилинувчига берилган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан, ҳимоячи олиш, яқин қариндошларига ёхуд адвокатига телефон қилиш ёки хабар юбориш, кўрсатув беришдан бош тортиш, шунингдек ўзи берган кўрсатувлари жиноят иши бўйича унга қарши далил сифатида ишлатилиши мумкинлигини билиш ҳуқуқидан фойдаланади деб айтилган[4]. Уйлаймизки, ушбу ҳуқуқлар бевосита жиноий иш қўзғатилганида амалга оширилиши мумкин. Ўзининг мазмуни бўйича, “жиноий ишни қўзғатиш ҳолати, келажақда айбланувчи ва судланувчилар бўлиши мумкин шахслар доирасини аниқлаши мумкин. Бу нарса унга гумонланувчини (айбланувчини) жиноий таъқибдан ҳимояланиш ҳуқуқини таъминловчи восита моҳиятини беради»[5]. Бу борада ҳуқуқшунос олим М.Дж.Ботаевнинг Жиноят процессуал кодексига “Терговга қадар текширув ўтказилаётган шахс” деб номланган янги иштирокчининг киритилиши тўғрисида фикрини тўлиқ қўллаб қувватлаймиз.

- *шикоят бериш ҳуқуқи*: суриштирувчи, суриштирув бўлинмаси бошлиғи, суриштирув органи бошлиғи, суриштирув органи, терговчи, прокурор, ва суд ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни келтириш имкониятида ифодаланади. Ушбу ҳуқуқ Конституциямизнинг 55-модда 2-қисмидан келиб чиқиб, у ерда “Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади” деб белгиланган. Аслида, “*шикоятни келтириш* йўли билан гумонланувчи ўзининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини амалга оширади, қабул қилинган қарорларга ва амалга оширилган процессуал ҳаракатларга, қонунни ҳақиқий ва соҳта бузилишларига, ўзининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйлишига бўлган муносабатини назорат органларига билдиради”[6]. Бироқ, шикоятни бериш ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг натижасидир. Аммо амалдаги жиноят процессуал қонунчилигимизда шикоятларни, илтимосномаларни кўриб чиқиш муддати белгиланмаганлиги боис бугунги кунда терговчилар томонидан шахсларнинг шикоятлари ҳамда илтимосномалари асоссиз равишда чўзиб юборилмоқда, аксарият ҳолларда кўриб чиқилмасдан рад қилиш билан чекланилмоқда. Натижада гумон қилинувчининг шикоят қилиш, илтимоснома киритиш ҳуқуқи дастлабки тергов даврида бузилмоқда. Шу нуқтаи назардан бизнингча Жиноят-процессуал кодексига янги “48¹-модда. Гумон қилинувчининг шикоят ва илтимосномаларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари.” деб номланган норма киритиш мақсадга мувофиқ.

- *гумоннинг моҳияти ва мазмуни ҳақида билиш ҳуқуқи*: ушбу ҳуқуқ шахснинг, у нимада гумонланаётганлиги ва жиноятнинг қандай аломатлари ҳақида гап кетаётганлиги тўғрисида билиш ҳуқуқларидан иборат бўлиб, масалан, муайян



шахсга нисбатан жиноий ишни қўзғатиш ҳақидаги қарорнинг қарор қисмида амалга оширилади (қўп ҳолларда, қарорнинг биринчи бандида “ЖК моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари бўйича иш қўзғатилсин” деб, иккинчи бандда – “ЖК моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари бўйича муайян шахсга нисбатан иш қўзғатилсин” деб ёзилади). Бунда шундай муаммо борки, қонунда, гумонланувчига жиноятнинг айнан қайси ҳолатлари эълон қилиниши лозимлиги санаб ўтилмаган, шунинг учун амалиётда одатда унга ҳаддан ташқари қисқа аломатлар, баъзида эса фақатгина у гумонланаётган жиноят номи эълон қилиниши билан чекланади.

Бизнинг фикримизча, гумон қилинувчига нисбатан, тергов органи томонидан, ўзининг сўзлари билан, ҳуқуққа зид бўлган қилмишнинг моҳияти, вақти, жойи, усули, уни содир этиш важлари ва бошқа, юридик жиҳатдан муҳим бўлган ва унга маълум бўлган ҳолатларни айтиб бериш ҳақидаги анъанавий бўлиб қолган амалиётга тўхталиш мумкин. Шахсни қайси пайтда гумон ҳақида хабардор қилиш лозимлиги ҳам тушунарсиз. Бизнингча, жиноий иш қўзғатилаётганида, хабар бериш жараёни, гумонланувчининг “унга нисбатан чиқарилган жиноий ишни қўзғатиш ҳақидаги қарор, ёки қўлга олиш баённомаси, ёки унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўлланиши ҳақидаги қарорнинг нусхасини олиш ҳуқуқини” амалга оширилаётганда рўй беради. Демак, шахс унга у ёки бу ҳужжат нусхаси топширилган пайтидан бошлаб, дарҳол, у гумон ҳақида хабар топган деб ҳисобланади. Бу борада рус олими К.Б. Калиновский “...жиноят аломатларини аниқлаш ҳолати бўйича жиноий ишни қўзғатишда (номаълум шахслар доирасига нисбатан) гумонланувчилар жараёнга турли усуллар орқали киритилиши мумкин ва уларнинг нимада айбланаётганлиги ҳақида билиш ҳуқуқи, жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги қарор нусхасини топшириш йўли билан амалга оширилади. Демак, бу ҳолатда янги шахсга нисбатан жиноий ишни қўзғатиш ҳақидаги қарорни чиқариш зарурияти мавжуд эмас”[7] деб ҳисоблайди. Биз бу борада унинг фикрларини қўллаб қувватлаймиз.

II. Фақат Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида қайд этилган ҳуқуқлар:

- *исботлаш ҳуқуқи*: жиноий иш қўзғатилган, ёки қўлга олинган, ёки эҳтиёт чораси қўлланган, ёки гумон ҳақида хабардор қилинган шахс ўзи, мустақил равишда, далилларни йиғиши ва тақдим этиши мумкин. Кўриниб турибдики, гумонланувчининг ушбу ҳуқуқи тўлиқ ҳажмда амалга ошмайди. Чунки гумон қилинувчининг исботлаш жараёнида иштирок этиш механизми, ушбу ҳуқуқнинг мазмуни ишлаб чиқилган. Кўрсатилган ҳолатлар, гумонланувчининг исботлаш ҳуқуқи ҳимоячи ёки қонуний вакили орқали амалга оширилишига олиб келади. Е.И. Конах ва М.В. Парфеноваларнинг фикрича, “Гумонланувчи унда мавжуд бўлган ёзма ҳужжатларни ва буюмларни тақдим этади ва уларни далиллар сифатида ишга қўшиб юборишни сўрайди. Бундан ташқари гумонланувчи, гувоҳ сифатида сўроқ қилинишини истаган шахсларни кўрсатиши мумкин”;

- *илтимоснома бериш ва рад қилиш ҳуқуқи*: ушбу ҳуқуқ ЖПКнинг 48-модда 1-қисмига биноан гумонланувчи бу илимосномалари арз қилиш ҳуқуқига эга бўлган



шахсдир. Бунда илтимосномалар жиноят иши бўйича иш юритувнинг ҳар қандай пайтида берилиши мумкин. Биринчи илтимоснома жиноий ишни қўзғатиш ҳақидаги қарорга, ушлаш баённомасига, айниқса у томонидан жиноятни содир этишда гумонга нисбатан берилиши мумкин. Бугунги кун амалиётида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва бошқа иштирокчилар томонидан дастлабки тергов ҳамда судларга илтимосномалар киритилмоқда.

Илтимоснома амалиётда ёзма равишда ёки баённомалар (экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор билан таништириш, эксперт хулосаси билан таништириш, иш ҳужжатлари билан таништириш баённомалари, суд мажлиси баённомаси)га ёзиш орқали киритилади. Аммо процессуал қонунчилигимизда илтимосномаларни кўриб чиқиш муддати белгиланмаган. Фақат айбланувчи, ҳимоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш билан танишиб чиқишгач ёки бирор сабабга кўра танишиб чиқишдан бош тортганларидан кейин терговчи улардан қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш ёки янги қарорлар қабул қилиш хусусида илтимослари бор ёки йўқлигини аниқлайди. Тарафларнинг аризасига биноан илтимосномалар тайёрлаш ва тақдим қилиш учун уч сутка доирасида вақт берилиши мумкин.

Терговчи илтимосномани тўла ёки қисман рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради ва бу ҳақда илтимоснома берилган вақтдан бошлаб уч сутка ичида аризачига хабар беради. Аризачи илтимосни қондириш рад қилинганлиги тўғрисидаги қарор билан танишиб чиққанидан кейин икки сутка ичида прокурорга рад этилганлик устидан шикоят қилиши мумкин. Бугунги кунда ушбу муддат универсал муддат сифатида қаралиб амалиётда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётган вақтда киритилган илтимосномаларга ҳам, экспертиза хулосаси билан таништириш баённомаларига киритилган илтимосномаларга нисбатан ҳам қўлланилиб келинмоқда. Бизнингча бу нотўғри ҳисобланади. Чунки ЖПК нормасига эътибор қаратадиган бўлсак илтимослар қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби жиноят иши тамомлаш бобида турибди. Ваҳоланки дастлабки тергов вақтида тарафлар турли ҳил мазмундаги илтимосномалар билан мурожаат қилаётганлигини кўриш мумкин. Хусусан тергов ҳаракатларидан норози бўлиб уни қайта ўтказишни сўраб мурожаат қилиши, қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказишни сўраб илтимоснома киритиш, қўшимча гувоҳларни келтириб уларни сўроқ қилишни талаб қилиш мазмунида илтимосномалар киритилмоқда. Ушбу мазмундаги илтимосномалар тергов органлари томонидан иш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиб келинмоқда. Аксарият ҳолларда кўплаб илтимосномалар асосланмаган ҳолда тергов органлари томонидан рад қилиниши кузатилмоқда.

Бу борада Россия Федерацияси[8], Беларус Республикаси[9], Қозоғистон Республикаси[10], Қирғизистон Республикаси[11], Германия Федератив Республикаси[12] қонунчиликларини ўрганилганда илтимосномалар бериш, жиноят иши бўйича иш юритаётган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи



мустаҳкамланганлигини кузатдик. Шу нуқтаи назардан бизнингча Жиноят-процессуал кодексини янги “Илтимосномалар. Жиноят иши бўйича иш юритаётган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят қилиш” деган бўлим билан бойитиш зарур.

Ушбу бўлимда илтимоснома тушунчаси, илтимоснома беришга ваколатли шахслар, илтимосномаларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари, шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби, шикоят беришга ваколатли шахслар каби масалаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Бу келгусида энг аввало шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, терговни тўла ва холисона олиб борилишига, адолатли ҳукм чиқаришга хизмат қилади.

- *жиноий иш билан танишиш ҳуқуқи*: ушбу ҳуқуқ гумонланувчининг, унинг иштирокидаги тергов ҳаракатлари баённомалари билан танишиш, унинг иштирокидаги тергов ҳаракатлари баённомаларига фикр билдириш имкониятида ифодаланadi. Бундай ҳуқуқни амалга оширилиши гумонланувчи томонидан бундай ҳужжатларни имзолаш, баённомалардан муайян кўчирмаларни ёзиб олиш, ва ҳоказолардан иборат. Бунда, гумонланувчи, у иштирок этмаган тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар натижалари, ҳамда ташкилий характердаги жиноий-процессуал қарорлар (масалан, тергов ҳаракатларини амалга ошириш ҳақидаги қарор) билан қай тарзда танишиши аниқ эмас. Аслида бундай зарурат бўлиши шарт;

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки ишни судга қадар юритишда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминланиши келгусида адолатли ҳукм чиқаришга, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади.

References:

1. Қаранг: *Миразов Д. М.* Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2016. – Б. 36.
2. *Конах Е. И., Парфенова М. В.* Процессуальный статус и обеспечение прав подозреваемого. М.: Издательство «Юрлитинформ», 2005. С. 10.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси Электрон манба <https://lex.uz/docs/111460#253800>
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 19.12.2003 йилдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сон қарори Электрон манба <https://lex.uz/uz/docs/1453755>
5. *Калиновский К. Б.* Всегда ли следует возбуждать жиноий иш при обнаружении нового преступления или нового лица? // Российский следователь. 2009. № 6. URL: <http://kalinovskiy-k.narod.ru/p/2008-6.htm> (дата обращения: 20.11.2020).
6. *Аверченко А. К., Лонь С. Л.* Подозреваемый и реализация его прав в уголовном процессе. Томск: Изд-во НТЛ, 2003. С. 112.



7. Калиновский К. Б. Всегда ли следует возбуждать жинной иш при обнаружении нового преступления или нового лица? // Российский следователь. 2009. № 6. URL: <http://kalinovsky-k.narod.ru/p/2008-6.htm> (дата обращения: 20.11.2020).
8. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/
9. <https://etalonline.by/document/?regnum=hk9900295>
10. https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231/k14_231.htm
11. <https://mvd.gov.kg/rus/ministry/normative-bases/23>
12. <https://publishup.uni-potsdam.de/opus4-ubp/frontdoor/deliver/index/docId/6039/file/sdrs02.pdf>